Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Булоқбоши тумани

БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ ҲАҚИДА

Андижон вилоятидаги туман. Вилоятнингжанубида жойлашган. 1992 й. 3 апрелда ташкил этилган. Булоқбоши тумани шимол ва шарқда Андижон ва Хўжаобод туманлари, ғарбда Асака ва Мархамат туманлари, жануб ва жанубий-ғарбда Ўирғизистон Р еспубликасининг Ўш вилояти Аравон тумани билан чегарадош. Майдони 0,2 минг км2. Ахолиси110 минг киши. Булоқбоши туманида 1 шахарча (Андижон), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини (Булоқбоши, Найман, Ширмонбулоқ, Моярик, Кулла) бор. Маркази — Булоқбоши қишлоғи.

Табиати:Туман худуди тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат. Иклими кескин континентал. Январнинг ўртача хароратиминус 3,5 даража, июлники 26 даража. Йилига 180□□□□□□мм ёғин тушади. Вегетация даври 230 кун. Туман худудидан Жанубий Фарғона канали, Аравонсой оқиб ўтади. Текисликлар бўз, қўнғир тупроклар, адирлар қумтош, мергел, лёсс ва чақиртошлар билан қопланган. Ёввойи ўсимликлардан шўра, шувоқ, момақаймоқ. ялпиз, қамиш, бангидевона, янтоқ, откулоқ, юлғун, ажрик, кирқбўғин, ғумай, қўйпичан, кўзтикан ўсади. Эчкемар, қашқалдоқ, тошбақа, жайрон, тулки, илон, калтакесак, типратикан; қушлардан каклик, бедана, лайлак, ёввойи ўрдак, сўфитўрғай, сассиқпопишак, қарға, заҒизғон, майна, бойўғли, бургут ва бошқалар яшайди.

Ахолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек қирғиз, қозоқ, тожик, татар, рус ва бошқа миллат вакиллари хам яшайди. 1 км2 га 582 киши тўғри келади.

БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳокими:□Мамуров□Ўткирбек Комилжонович

Иш вазифаси: Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс бўлиб, айни бир вақтда ҳудудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади. Туман ҳокими Ўзбекистон Р еспубликаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.□

Телефонлар: 0 (374) 773-26-60 Факс: 0 (374) 222-22-53
Манзил: 170500, Булоқбоши тумани, М.Исмоилий кўчаси, 1 уй

Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

□EXAT/n□">buloqboshi.t@exat.uz□□e-mail/n□">buloqboshi@andijan.uz

Мурожаатлар учун: 0□(374) 773-21-50□□ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: 0□(374) 773-21-50

WEB SITE: www.buloqboshi.andijan.uz

БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ НИЗОМИ